

ТОШКЕНТ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ А Ж Р И М И

(якуний ҳисоботни тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида)

Тошкент шаҳри

2024 йил 05 ноябрь

Тошкент туманлараро иқтисодий суди, судьяси С.Тўлқинов раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Содиқов котиблигида, “Cargo Grant Biznes” МЧЖ тугатиш бошқарувчиси Ф.Каримовнинг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ва якуний ҳисобот тасдиқлаш тўғрисидаги аризасини, тарафлардан: жавобгар вакили Ў.Мусабеков (ишончнома асосида) иштирокида ўз биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а н д и:

Аризачи Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор “Cargo Grant Biznes” МЧЖни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилтсиз деб топишни сўраган.

Суднинг 2023 йил 30 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг аризаси қаноатлантирилиб, қарздор “Cargo Grant Biznes” МЧЖ тўловга қобилтсиз деб топилган ва соддалаштирилган тартибда тугатишга доир иш юритиш белгиланиб, суднинг ажрими билан Ф.Каримов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси Ф.Каримов “Cargo Grant Biznes” МЧЖнинг тугатиш ишлари натижалари юзасидан судга якуний ҳисоботни тақдим этиб, ушбу ҳисоботни тасдиқлаб, тугатишга доир иш юритишни якунлашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок жавобгар вакили тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисотидан норози эканлигини, иш учун муҳим ҳолатлар ўрганилмаганлигини, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 27 майдаги 4-1001-1902/3496-сонли ҳал қилув қарори билан жавобгар “Ўзметкомбинат” АЖдан даъвогар “Cargo Grant Biznes” МЧЖ фойдасига 9.982.392.462 сўм асосий қарз ва 16.218 сўм почта харажатлари ундирилганлигини, мазкур қарор бўйича берилган ижро варақаси ижро жараёнида эканлигини, тугатиш жараёнида Тугатиш бошқарувчиси томонидан “Cargo Grant Biznes” МЧЖ дебитор қарздорликлари аниқлаш ва ундириш чоралари кўрилмаганлигини, тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботи асоссиз эканлигини баён қилиб, тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботни рад этишни сўради.

Суд мажлисида “Cargo Grant Biznes” МЧЖ тугатиш бошқарувчиси иштирок этмади ва иш юзасидан муносабат билдирмади.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, жавобгар вакилининг фикрлари ва тушунтиришларини тинглаб, тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган якуний ҳисоботни кўриб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги якуний ҳисоботни тасдиқлашни рад этишни лозим топади.



“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан суд тугатиш бошқарувчиси ушбу Қонун талабларидан келиб чиқиб, тугатишга доир иш юритиш даврида, МЧЖга тегишли автотранспорт воситаларини аниқлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ИИБ ЁХХБга, бино иншоотларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Давлат кадастрлар палатасига, қимматли қоғозларни аниқлаш мақсадида, “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” давлат корхонасига, техникаларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига сўровномалар юборилган.

Тугатиш бошқарувчиси томонидан МЧЖга тегишли автотранспорт воситаларини аниқлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ИИБ ЁХХБга, техникаларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига юборилган хатларга тегишли тартибда жавоб ҳатлари олинган.

Аниқланишича, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 27 майдаги 4-1001-1902/3496-сонли ҳал қилув қарори билан жавобгар “Ўзметкомбинат” АЖдан даъвогар “Cargo Grant Biznes” МЧЖ фойдасига 9.982.392.462 сўм асосий қарз ва 16.218 сўм почта ҳаражатлари ундирилган.

Бироқ, суд тугатиш бошқарувчиси томонидан корхонанинг дебитор қарздорликлари аниқлаш ва қайтариш чоралари кўрилмаган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасига кўра, Суд, агар қуйидагилар аниқлангудек бўлса, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади:

кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилмаганлиги;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши аломатлари мавжуд эмаслиги;

муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асослар мавжуд эмаслиги;

келишув битимини тасдиқлаш учун монеликлар мавжудлиги.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижаларига кўра суд, агар:

кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган бўлса ёки келишув битими суд томонидан тасдиқланган бўлса, — тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақида;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув тартиб-таомилини тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган тақдирда, — кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида;

кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган тақдирда, — муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида;

ташқи бошқарув тартиб-таомили муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, — ташқи бошқарув тартиб-таомили муддатини узайтириш тўғрисида;



ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, — ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Бундай ҳолатда суд тугатиш бошқарувчиси томонидан жамиятни тугатиш ишлари тўлиқ ўрганилмаган ва якунига етказилмаган деб ҳисоблайди ва мазкур тақдим этилган тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги якуний ҳисоботни тасдиқлашни рад этишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134, 144-моддаси ҳамда ИПКнинг 195 ва 196-моддаларини қўллаб, суд

ажрим қилади:

“Cargo Grant Biznes” МЧЖ тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳамда якуний ҳисоботини тасдиқлаш ҳақидаги якуний ҳисоботини қаноатлантириш рад этилсин.

“Cargo Grant Biznes” МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси Ф.Каримов томонидан жамиятни тугатиш ишларини қонунда белгиланган тартибда ва муддатда якунлаш чоралари кўрилсин.

Раислик қилувчи, судья

С.Н.Тўлқинов

